

ҚАБЗИЯТГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Н.А.Адилова

М.Ш.Фозилжонова

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқоти, Тошкент ш. Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти, Тошкент ш.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20485543>

Кириш: Қабзият ошқозон-ичак тизимининг кенг тарқалган муаммоларидан бири бўлиб, аҳолининг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатади ва самарали фармакотерапияни талаб этади [1,2]. Қабзият муаммосини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг бозордаги ҳолатини таҳлил қилиш аҳолини сифатли ва самарали препаратлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади [3].

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида қабзиятга қарши қўлланиладиган дори воситаларининг 2024–2025 йилдаги ҳолати маркетинг нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Давлат реестри маълумотлари асосида препаратлар ассортименти, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар улуши ҳамда дори шакллари бўйича тақсимооти ўрганилди [4]. Олинган натижалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушининг ўсиш тенденциясини кўрсатди.

Калит сўзлар: қабзият, фармацевтик бозор, маркетинг таҳлил, дори воситалари, ассортимент.

Тадқиқот мақсади ва усуллари: Тадқиқотнинг мақсади — 2024–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган қабзиятга қарши дори воситалари ассортиментини маркетинг таҳлили асосида ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқарувчилар бўйича таркиби ҳамда дори шакллари бўйича тақсимланишини аниқлашдан иборат. Тадқиқотда контент-таҳлил ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилди [5]. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари Давлат реестри асосида йиғилди ва 2024–2025 йиллар кесимида дори воситалари ассортименти, ишлаб чиқарувчилар улуши ҳамда дори шакллари бўйича тузилмаси таҳлил қилиниб, ўзаро таққосланди [4].

Натижалар: Тадқиқот натижаларига кўра, 2024–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган қабзиятга қарши дори воситалари ассортиментида ўсиш кузатилди. Натижалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улуши ошиб бораётгани ва ассортиментнинг барқарор кенгайишини кўрсатди. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан асосан бисакодил ва сенадексин сақловчи препаратлар ишлаб чиқарилиши аниқланди [6,7].

Хулоса: Ўтказилган маркетинг таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон фармацевтика бозорида қабзиятга қарши дори воситалари ассортименти йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши ортиб бораётгани кузатилди, бироқ табиий ўсимлик хомашёси асосидаги препаратлар етарли эмаслиги аниқланди. Бу эса янги маҳаллий фитопрепаратлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади [8].

1. Bharucha A.E., Pemberton J.H., Locke G.R. American Gastroenterological Association Technical Review on Constipation. *Gastroenterology*. 2013;144(1):218–238.
2. Rao S.S.C., Camilleri M., Hasler W.L. Evaluation and management of chronic constipation in adults. *Gastroenterology*. 2022;162(6):1847–1863.
3. World Health Organization. WHO Model List of Essential Medicines. Geneva: WHO; 2023.
4. Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри. Тошкент, 2024–2025.
5. Котлер Ф., Келлер К. Маркетинг менежменти. 15-нашр. Москва: Питер; 2022.
6. European Pharmacopoeia Commission. European Pharmacopoeia. 11th Edition. Strasbourg: EDQM; 2023.
7. Государственная Фармакопея Республики Узбекистан. Ташкент; 2021.
8. WHO Global Report on Traditional and Complementary Medicine. Geneva: World Health Organization; 2019.

